

Куч-адолатда

Адл ила олам юзин обод қил

2021 йил
29 октябрь,
жума
№ 45 (870)

Ўзбекистон Республикаси Олий судининг ҳуқуқий газетаси

http://www.sud.uz

1998 йил 29 августдан чиқа бошлаган.

Ўзбекистон Республикаси Президентининг
ҚАРОРИ

ТЕРМИЗ АГРОТЕХНОЛОГИЯЛАР ВА ИННОВАЦИОН РИВОЖЛАНИШ ИНСТИТУТИНИ ТАШКИЛ ЭТИШ ЧОРА-ТАДБИРЛАРИ ТЎҒРИСИДА

Сурхондарё вилоятининг тупроқ-иклим шароитида қишлоқ хўжалиги экинларидан, жумладан, мева ва ёнғоқ мева, сабзавот, полиз, дон-дуқ-какли экинлардан юқори ҳосил олиш, уларнинг касаллик ва зараркундаларига қарши курашиш, илғор, интенсив агротехнологияларни жорий қилиш, қишлоқ хўжалиги маҳсулотларини сақлаш, қайта ишлаш, сугориладиган ерларнинг мелиоратив ҳолатини янада яхшилаш учун замонавий билим ва кўникмаларга эга олий маълумотли мутахассис кадрларга бўлган эҳтиёжни қондириш мақсадида:

1. Қишлоқ хўжалиги вазирлиги, Олий ва ўрта махсус таълим вазирлиги, Иқтисодий тараққиёт ва камбағалликни қисқартириш вазирлиги, Молия вазирлиги ҳамда Сурхондарё вилояти ҳокимлигининг Тошкент давлат аграр университетининг Термиз филиали негизида **Термиз агротехнологиялар ва инновацион ривожланиш институтини** (кейинги ўринларда — Институт) ташкил этиш тўғрисидаги таклифга розилик берилсин.

Институтнинг асосий вазифалари этиб қуйидагилар белгилансин: тупроқ-иклим шароитидан келиб чиқиб **худудларни ихтисослаштириш, экспорт ва даромадбон қишлоқ хўжалиги экинларини етиштиришни ташкил этиш**, қишлоқ хўжалигида **инновацион ресурстежамкор технологияларни ҳамда рақамлаштирилган агротехнологияларни** жорий қилиш бўйича замонавий билимларга эга бўлган **кадрлар тайёрлаш**;

ўқув машғулотлари, малакавий амалиётларни ўташда талабаларни инновацион ва янги фикрлашга йўналтирадиган янги ўқитиш технологиялари ҳамда **уларнинг мустақил илганини таъминловчи механизмларни кенг жорий этиш**;

Сурхондарё вилоятининг тупроқ-иклим шароитида қишлоқ хўжалиги экинларини, жумладан, **мева ва ёнғоқ мева, сабзавот, полиз, дон-дуқ-какли, субтропик ва тропик экинларни** парварилашнинг **био-, нано- ва ресурстежамкор ҳамда интенсив технологияларини ишлаб чиқиш**;

Институт **ер майдонларида** ички ва ташқи бозор эҳтиёжларидан келиб чиқ-

қан ҳолда, **қишлоқ хўжалиги экинларининг серҳосил**, шўр ва курғоқчиликка, **касаллик ҳамда зараркундаларга чидамли**, маҳсулот сифати юқори бўлган **нав ва дурагайлари селекцияси** ҳамда **уруғчилигини йўлга қўйиш**; илмий ходимларнинг илғор инновацион технологияларни яратиш бўйича **ташаббускорлигини қўллаб-қувватлаш**, уларнинг **новаторлик гояларини ишлаб чиқаришга жорий этишга кўмаклашиш**;

кластерлар, кооперациялар, фермер, деҳқон хўжаликлари ва томорка ер эгалари учун кўргазмалли дала майдонларини ташкил этиш ҳамда тавсиялар ишлаб чиқиш; ривожланган хорижий илмий-тадқиқот ва таълим муассасаларида **профессор-ўқитувчилар, илмий ходимлар ва магистрларнинг малакасини ошириш**.

2. Белгилансинки, Институтда 2021/2022 ўқув йилидан бошлаб: бакалаврият таълим йўналишларида таълимнинг **кредит-модуль тизими босқичма-босқич жорий этилади**. Бунда, талабалар учун ҳафтаининг **шанба кунини мустақил ўзлаштириш кунини деб белгиланади**;

хорижий олий таълим муассасалари билан ҳамкорликда ташкил этиладиган **қўшма таълим дастурларининг ўқув режалари ва фан дастурлари хорижий ҳамкорлар билан келишилган ҳолда мустақил тасдиқланади**. Институтнинг фаолияти Қишлоқ хўжалиги вазирлиги томонидан мувофиқлаштирилади.

3. Қишлоқ хўжалиги вазирлиги: **2022 йил якунига қадар** Институтда **Жаҳон банки маблағлари ҳисобидан** талабалар, магистрлар ва илмий ишланувчилар ҳамда ёш профессор-ўқитувчиларнинг **илмий ишланмалари асосида лойиҳаларнинг стартапларини яратиш ва амалиётга татбиқ этиш билан шуғулланувчи IT-инкубатор илмий инновацион марказини ташкил этсин**;

Институтга тегишли ер майдонларида халқаро **грант маблағлари ҳисобидан анор, хурмо, лимон, қора олхўри, узум ва бошқа мева-сабзавотларнинг юқори ҳосилли**, йилгига **2-3 маротаба ҳосил олишга** имкон берадиган **навларини яратиш бўйича кўр-**

газмали дала майдонларини барпо этсин;

анор, хурмо, лимон, қора олхўри ва узум етиштиришнинг янги самарадор агротехнологияларини яратиш бўйича бажариладиган илмий мақсадли **илмий лойиҳаларни шакллантириб, илмий фаолиятга оид давлат дастурлари доирасида молиялаштириш учун Инновацион ривожланиш вазирлигига тақдим қилсин**. Бунда, Инновацион ривожланиш вазирлиги тегишли илмий-техник кенгашларнинг асосланган хулосалари асосида белгиланган тартибда грант маблағларини ажратиш чораларини кўрсин;

манфаатдор вазирлик ва идоралар билан келишган ҳолда келгуси йиллар учун мўлжалланган ижтимоий ва ишлаб чиқариш инфратузилмасини ривожлантириш дастурлари доирасида Институт ҳудудида бино ва иншоотларни қуриш, реконструкция қилиш ҳамда капитал таъмирлаш ишларини олий таълим соҳасига ажратилган лимитлар доирасида амалга ошириш юзасидан Иқтисодий тараққиёт ва камбағалликни қисқартириш вазирлигига таклифлар киритсин.

4. Қуйидагилар: Термиз агротехнологиялар ва инновацион ривожланиш институтининг фаолиятини ташкил этиш бўйича чора-тадбирлар дастури 1-иловага мувофиқ;

Фан, таълим ва ишлаб чиқаришнинг узвий интеграциясини таъминлаш мақсадида Термиз агротехнологиялар ва инновацион ривожланиш институтининг бакалаврият таълим йўналишларида **магистратура мутахассисликларига бириктириладиган илмий-тадқиқот институтлари, ташкилотлар ва йирик хўжалик субъектлари рўйхати 2-иловага мувофиқ**;

Термиз агротехнологиялар ва инновацион ривожланиш институтининг бакалаврият таълим йўналишлари ва магистратура мутахассисликларига амалиёт ўташ учун бириктириладиган илмий-тадқиқот институтлари, ташкилотлар ва йирик хўжалик субъектлари рўйхати 3-иловага мувофиқ тасдиқлансин.

5. Белгилансинки: Институт Тошкент давлат аграр университети Термиз филиалининг барча ҳуқуқ ва мажбуриятлари бўйича ҳу-

қуқий вориси ҳисобланади; Институтга қабул параметрлари белгиланган тартибда ҳар йили тасдиқланадиган республика олий таълим муассасаларига ўқишга қабул қилишнинг давлат буюртмаси параметрларидан келиб чиққан ҳолда аниқланади.

6. Қишлоқ хўжалиги вазирлиги Олий ва ўрта махсус таълим вазирлиги билан биргаликда: давлат таълим стандартлари, малака талаблари, ўқув режалари ва фан дастурларини ресурс тежовчи технологиялар, **ривожланган хорижий мамлакатларнинг илғор тажрибалари ҳамда талабаларидан келиб чиқиб қайта ишлаб чиқсин** ҳамда ўқув жараёнига жорий этсин;

ҳудуднинг кадрларга бўлган эҳтиёжини эътиборга олиб, Институтда бакалаврият таълим йўналишлари бўйича кечки (сменали) таълимни ташкил этиш, **2022 йилдан бошлаб** илмий салоҳиятини ошириш учун олий таълимдан кейинги таълим (докторантура)га қишлоқ хўжалиги ихтисосликлари бўйича қабулни ташкил этиш бўйича Вазирлар Маҳкамасига таклиф киритсин.

7. Институт фаолиятини молиялаштириш манбалари этиб қуйидагилар белгилансин: Ўзбекистон Республикаси Давлат бюджетини маблағлари;

тўлов-контракт асосида ўқитишдан тушадиган маблағлар; хўжалик фаолиятдан ва шартнома асосида хизматлар кўрсатишдан тушадиган тушумлар;

халқаро молия институтлари ва хорижий ташкилотларнинг грантлари; жисмоний ва юридик шахсларнинг хомийлик хайриялари; қонунчилик ҳужжатлари билан тақиқланмаган бошқа манбалар.

8. Белгилаб қўйилсинки, Институтни бюджет маблағлари ҳисобидан сақлаш харажатлари 2021 йилда Ўзбекистон Республикасининг республика бюджетидан биринчи даражали бюджет маблағларини тақсимловчи сифатида Қишлоқ хўжалиги вазирлигига ажратилган маблағлар доирасида амалга оширилади, 2022 йилдан бошлаб эса Ўзбекистон Республикаси Давлат бюджетини параметрларида назарда тутилади.

(Давоми 2-бетда) ▶

ЎЗБЕКИСТОН ПРЕЗИДЕНТИГА САМИМИЙ ҚУТЛОВЛАР

Мамлакатимизда 2021 йил 24 октябрь кунини бўлиб ўтган Ўзбекистон Республикаси Президентлигига сайловда Шавкат Мирзиёев ишончли галаба қозонгани муносабати билан унинг номига хорижий давлатлар ва ҳукуматлар раҳбарларидан самимий қутловлар келмоқда. Уларда давлатимиз раҳбари ва Ўзбекистоннинг кўп миллатли халқига фаровонлик, тинчлик-осойишталик ва равақ ти-

лаклари изҳор этилган. **Россия Президенти Владимир Путин**нинг табрикомасида овоз бериш натижалари Шавкат Мирзиёевнинг юксак сиёсий обрўини, Ўзбекистонни ижтимоий-иқтисодий ривожлантириш ва унинг манфаатларини халқаро майдонда ҳимоя қилишга қаратилган сиёсати қўллаб-қувватланаётганини тўла-тўқис тасдиқлагани таъкидланган. (Давоми 2-бетда) ▶

Сўнгги йилларда мамлакатимизда тадбиркорлик фаолиятини амалга оширишни енгиллаштириш ва рағбатлантириш мақсадида соҳага оид қатор тартиботлар танқидий қайта қиқилди. Бу жараёнда эскирган, замон талабига жавоб бермайдиган бюрократик тўсиқ ва ровлар бартараф қилинди. Кўрилган чора-тадбирлар натижасида ишбилармонлик муҳити яхшиланиб, тадбиркорлик субъектлари ва хусусий инвесторлар учун кенг имкониятлар яратилди.

Қонун моҳияти

Божхона назоратининг соддалаштирилиши

экспорт ва импорт жараёнларини тезлаштириш ва шаффофлигини таъминлайди



Яқинда бўлиб ўтган Олий Мажлис Сенатининг йигирманчи ялпи мажлисида сенаторлар томонидан маъқулланган **Ўзбекистон Республикаси Божхона кодексига ўзгартиш ва қўшимчалар киритиш ҳақида**ги қонун тадбиркорлар томонидан то-

варларни экспорт ва импорт қилиш жараёнидаги мавжуд тартиботларни янада соддалаштириш орқали расмийлаштириш жараёнларини тезлаштиришга ва шаффофлигини таъминлашга хизмат қилади. (Давоми 2-бетда) ▶

Фуқаролик қонуничилиги

Алимент қарздорликни ундириш тартиби такомиллаштирилмоқда

Шу кунларда "Алимент қарздорлигини ундириш тартиби такомиллаштириладиганлиги муносабати билан Ўзбекистон Республикасининг айрим қонун ҳужжатларига ўзгартиш ва қўшимчалар киритиш тўғрисида"ги қонун лойиҳаси жамоатчилик томонидан кенг муҳокама этилмоқда. Қонун лойиҳаси Адлия вазирлиги ҳузуридаги Ҳуқуқий сиёсат тадқиқот институти томонидан ишлаб чиқилган.

Қонун лойиҳасини ишлаб чиқиш зарурати

Мамлакатимизда сўнгги йилларда оилавий ажримлар сони кўпайганлиги кузатилаётганда. Давлат статистика қўмитаси маълумотларига кўра, 2019 йилда республика бўйича ажримлар сони 23 мингга етган. Шу даврнинг ўзида 195 мингга никоҳ қайд этилган.

2020 йилнинг 9 ойида 19 минг 970 та ажрим ҳолати ФХДЕ органларида қайд этилган. 2021 йилнинг январь-март ҳолатига кўра, 9 минг 213 та ажрим ҳолати қайд этилган. Мазкур ажримлардан кейин



фарзандларнинг асосий таъминоти фарзандни олиб қолган онанинг ёки кам ҳолларда отанинг зиммасига тушади. Фарзандлар учун алимент белгиланган ҳолларда алимент тўловчи ҳар хил баҳоналар билан алимент тўлашдан бўйин товлаш ҳолатлари ҳам учраб туради. (Давоми 3-бетда) ▶

ЎЗБЕКИСТОН ВА КОРЕЯ ОЛИЙ СУДЛАРИ ЎРТАСИДА ҲАМКОРЛИК КЕНГАЯДИ

Ўзбекистонга Корея суд тизими вакиллари билан иборат делегация ташриф буюрди. Корея Республикаси Олий суди раиси Ким Мён Су бошчилигидаги делегацияни Ўзбекистон Республикаси Олий суди раиси Қозимжон Комилов қабул қилди.



К.Комилов меҳмонларга мамлакатимиз суд-ҳуқуқ тизимида амалга оширилган ислохотлар, қонунчилик асосларини мустаҳкамлаш, суд тизими тузилмасини тубдан такомиллаштириш ва фаолияти самарадорлигини ошириш, судлар фаолиятида шаффофлик ва очиқликни таъминлаш борасида олиб бориладиган чора-тадбирлар

хусусида батафсил маълумот берди.

Таъкидланганидек, амалга оширилаётган ислохотларнинг асосий мақсади суд ҳокимияти мустақиллиги, фуқаролар ҳуқуқ ва эркинликларини ишончли ҳимоясини таъминлаш ҳамда одил судловга эришиш даражасини оширишдан иборат.

(Давоми 2-бетда) ▶

Мамлакатимизда бўлиб ўтган Ўзбекистон Республикаси Президентининг сайлови якунига кўра, Ўзбекистон Либерал-демократик партиясидан номзод Шавкат Мирзиёев ишончли галаба қозонди: 80,1 фоиз овоз олиб, Ўзбекистон Республикаси Президентлигига иккинчи мўддатга сайланди.



Янги Ўзбекистонда Президент сайлови: яқунлари ва хусусиятлари

Ўзбекистон Республикаси Президентининг сайловида халқимиз нафақат давлат бошлиғини сайлади, балки Янги Ўзбекистонимизнинг келажакини танлади. Эл-юрт истиқбол учун овоз берди.

Қолаверса, сайловда халқимиз ўтган беш йил давомида амалга оширилган кенг қўллаб-қувватловчи ислохотларимизнинг муносиб баҳолади. Юртдошларимиз Ҳаракатлар стратегияси доирасидаги шиддатли ва демократик ислохотларга ҳақиқий баҳо берди: **халқимиз ушбу стратегик дастур муаллифи ва ташаббускори, ҳақиқий ватанпарвар ва фидойи инсон Шавкат Мирзиёевдан рози эканини амалда тасдиқлади**.

Бу ҳақда фикр юритганда, ушбу сайловнинг бир қатор алоҳида хусусиятларини санаб ўтиш ўринли, деб ҳисоблаймиз.

● Ўзбекистон Республикаси Конституциясининг 117-моддасига киритилган ўзгартиришга мувофиқ, Президент сайлови илк марта октябр ойида ўтказилди. Илгари аҳолининг сайлов овозига эга 6-7 миллион нафар вакили бу



даврд пахта йиғим-терими мавсуми билан банд бўлиши ҳисобга олиниб, Асосий Қонунимизда сайловларни декабрь ойи учинчи ўн кунлигининг биринчи яшанбасида ўтказиш белгиланган.

Бу, бир томондан, жойлардаги сайлов участкаларини кишининг совуқ ва қор-қировли кунларида овоз бериш учун тайёрлашда қўллаб-қувватловчи тадбирларни келтириб чиқарса, иккинчи томондан, фуқароларнинг сайловда иштирок этиш фаоллигига ҳам муайян даражада салбий таъсир кўрсатмай қолмасди. Шу маънода, бу гапга Президент сайлови октябр ойида ўтказилгани бун-

дай муаммоларга осон ечим топиш имкониятини яратди.

Натижада сайловчилар рўйхати киритилган **20 миллион 158 минг 907 нафар сайловчилдан Президент сайловида, чет элларда овоз берган ватандошларимиз билан бирга ҳисоблаганда, 16 миллион 212 минг 343 нафар сайловчи иштирок этди. Бу сайловчилар умумий сонининг 80,4 фоиздан иборатдир. 421 минг 176 нафар сайловчи жорий йилнинг 14 октябридан — 20 октябригача ўтказилган мўддатидан олдин овоз бериш имкониятидан фойдаланди.** (Давоми 3-бетда) ▶

Ўзбекистон Республикаси Президентининг ҚАРОРИ
ТЕРМИЗ АГРОТЕХНОЛОГИЯЛАР ВА ИННОВАЦИОН РИВОЖЛАНИШ ИНСТИТУТИНИ ТАШКИЛ ЭТИШ ЧОРА-ТАДБИРЛАРИ ТЎҒРИСИДА

◀ (Бошланиши 1-бетда)

9. Қишлоқ ҳўжалиги вазири Олий ва ўрта махсус таълим вазирлиги ва Сурхондарё вилояти ҳўқимлиги халқаро молия институтларининг маблаглари ҳисобидан:

Институтнинг "Анорчилик" йўналишидаги профессор-ўқитувчиларини ва тахсил олаётган ёш олимларини анор етиштириш тажрибасини ўрганиш учун илгор хорижий давлатларга малака ошириш курсларига ва стажировкаларга юборилишини;

хорижий давлатларнинг етакчи олий таълим муассасалари билан ҳамкорликда ташкил этиладиган қўша таълим дастурларининг ўқув режаларини хорижий экспертлар иштирокида белгиланган тартибда ишлаб чиқилишини;

Институтнинг профессор-ўқитувчиларини, илмий ва техник-муҳандис ходимларини ҳар йили Ўзбекистон ҳамда хорижий давлатларнинг етакчи олий таълим муассасаларида, илмий-тадқиқот марказларида, агрокластерларда, шопинг-турларда ва йирик ишлаб чиқариш ташкилотларида стажировка ўташи бўйича дастурлар ишлаб чиқилишини ва унинг амалга оширилишини;

иқки ой муддатда Институтнинг тузилмаси ва устави тасдиқланишини ҳамда белгиланган тартибда давлат рўйхатидан ўтказилишини;

Институтга танлов асосида, шу жумладан, республика олий таълим муассасаларида фаолият юритаётган амалий тажрибага эга бўлган юқори малакали профессор-ўқитувчилар жалб этилишини;

Институтнинг ахборот-ресурс маркази маҳаллий ҳамда хорижий ўқув ва бадиий адабиётлар билан тўлдрилишини таъминласин.

10. Республика олий таълим тизимидаги мавқеи, илмий салоҳияти, узок йиллар давомида шаклланган аёнчаларини инобатга олган ҳолда Тошкент давлат аграр университети зиммасига қуйидаги йўналишларда Институтга кўмак бериб бориш юқлатилсин:

салоҳиятли кадрларни жалб этган ҳолда таълим ва илмий фаолиятни ташкил этиш, таълим, тарбия, илмий ва ўқув жараёнларини самарали бошқариш;

таълим жараёнига замонавий ахборот-коммуникация технологияларини жорий этиш, дарслик, ўқув кўлланмалари, ўқув-услубий материаллар ва ахборот ресурслари билан таъминлаш;

профессор-ўқитувчиларнинг малакасини ошириш ва иқтидорли ёшлар селекциясини амалга ошириш, илмий-тадқиқот ишлари учун кўшимча шaroитлар яратиш ва "устоз-шогирд" тизими асосида илмий мақtabларни ривожлантириш.

Ўзбекистон Республикаси Президентининг ҚАРОРИ Ш. МИРЗИЁЕВ

Тошкент шаҳри, 2021 йил 28 октябрь

ЎЗБЕКИСТОН ВА КОРЕЯ ОЛИЙ СУДЛАРИ ЎРТАСИДА ҲАМКОРЛИК КЕНГАЯДИ

◀ (Бошланиши 1-бетда)

Учрашув давомида томонлар суд тизимини такомиллаштириш, суд ҳокимиятининг роли ва обрў-эътиборини мустаҳкамлаш ҳамда судларнинг мустақиллигини таъминлаш, турли судлов институтлари фаолиятини такомиллаштириш, судьяларни тайёрлаш ва судлар фаолиятига ахборот-коммуникация технологияларини жорий этиш каби масалалар юзасидан фикр алмашди.

Шунингдек, мулоқот мобайнида иқки давлат Олий судлари мунтазам равишда ҳуқуқий ахборот алмашишни амалга ошириш ва ўзаро манфаатларни ифодоловчи бошқа масалалар бўйича масла-

11. Сурхондарё вилояти ҳокимлиги:

Институтга хориждан ва республиканинг бошқа ҳудудларидан ишга тақлиф этилган мутахассисларни турар жой билан таъминлаш мақсадида Термиз шаҳрида қурилатган арзон уй-жойлардан имтиёзли шартлар асосида эҳтиёждан келиб чиққан ҳолда хонадонлар ажратилишини;

Қишлоқ ҳўжалиги вазири Олий ва ўрта махсус таълим вазири билан биргаликда 2021 йил якунига қадар талабалар контингенти ошириш боришини ҳисобга олиб, 2022/2023 ўқув йилидан Институтга яқин бўлган ҳудуддан қўшимча бино ажратиш бўйича Вазирлар Маҳкамасига тақлиф киритилишини таъминласин.

12. Қишлоқ ҳўжалиги вазири Олий ва Сурхондарё вилояти ҳокимлигининг:

Институтга Тошкент давлат аграр университети Термиз филиалининг Сурхондарё вилояти, Термиз тумани, "Янгиобод" қишлоқ фуқаролар йиғини, Лимонзор қишлоғи ҳудудида жойлашган бино ва иншоотларини тегишли ҳудуди билан биргаликда оператив бошқарув ҳуқуқи асосида бериш, унинг ўқув ва лаборатория жиҳозлари, транспорт воситалари, қишлоқ ҳўжалиги техникалари, компьютер техникалари, ўқув адабиётлари ҳамда бошқа мол-мулкни топшириш;

Тошкент давлат аграр университети Термиз филиалининг барча талабаларини Институтнинг мос таълим йўналишлари ва мутахассисликларига ўтказиш ҳамда 2021/2022 ўқув йилидан бошлаб битирувчи курс талабаларига белгиланган тартибда Институт дипломини бериш тўғрисидаги тақлифларига розилик берилсин.

13. Ўзбекистон Республикаси Вазирилар Маҳкамасининг 2017 йил 10 июлдаги "Тошкент давлат аграр университети Термиз филиали фаолиятини ташкил этиш чора-тадбирлари тўғрисида"ги 479-сон қарори ўз кучини йўқотган деб ҳисоблансин.

14. Қишлоқ ҳўжалиги вазири Олий вазири билан биргаликда иқки ой муддатда қонунчилик ҳужжатларига мазкур қарордан келиб чиқадиган ўзгариш ва қўшимчалар тўғрисида Вазирлар Маҳкамасига тақлифлар киритсин.

15. Мазкур қарорнинг ижросини ташкил қилишга масъул ва шахсий жавобгар этиб қишлоқ ҳўжалиги вазири Ж.А. Ходжаев, Сурхондарё вилояти ҳокими Т.А. Боболов белгилансин.

Қарор ижросини ҳар чоракда муҳоама қилиб бориш, ижро учун масъул идоралар фаолиятини мувофиқлаштириш ва назорат қилиш Ўзбекистон Республикаси Бош вазирининг ўринбосари Ш.М. Ғаниев зиммасига юқлансин.

ЎЗБЕКИСТОН ПРЕЗИДЕНТИГА САМИМИЙ ҚУТЛОВЛАР

◀ (Бошланиши 1-бетда)

"Сиз мамлакатларимиз ўртасидаги стратегик шериклик ва иттифоқчилик муносабатларини мустаҳкамлашга катта шахсий ҳиссангизни қўшяпсиз. Биргаликдаги саъй-ҳаракатлар билан бундан буён ҳам шериклигимизни турли соҳаларда кенгайтиришимиз, минтақа ва глобал кун тартибидида долзарб масалаларни ҳал этишда конструктив ҳамкорлик қилишимизга ишонаман. Бу, ҳеч шубҳасиз, Россия ва Ўзбекистоннинг дўст халқлари манфаатларига жавоб беради, Марказий Осиёда тинчлик, барқарорлик ва ҳавфсизликни таъминлаш мақсадларига мос келади", дейилади Россия етакчилигининг мактубида.

XXР Раиси Си Цзиньпин ўз қутловидида Шавкат Мирзиёевнинг давлат раҳбари сифатидаги фаолияти даврида мамлакатимиз жадал ривожланишга эришгани, янги қиёфа касб этаётгани ҳамда шу орқали Марказий Осиёда барқарорлик ва тараққиётни таъминлашга муҳим ҳисса қўшаётгани таъкидлаган. Ўзбекистон давлат қурилишининг барча соҳаларида

янги муваффақиятларга албатта эришади, деб ишонч билдирилган.

"Мамлакатларимиз ва халқларимиз фаровонлиги йўлида Хитой ва Ўзбекистон ўртасидаги ҳар томонлама стратегик шериклик солномасида Сиз билан биргаликда янги ҳамкорлик давом этишидан умидворман", деб таъкидлаган Хитой Раиси.

"Ўзбекистон Республикаси Президенти этиб иқкинчи муддатга сайланганингиз мамлакат халқини Сизнинг раҳбарлигинизга ва раҳнамолингизга остида амалга оширилаётган ислохотларга бўлган ишончи раъзидир. Бу Ўзбекистоннинг демократик йўлда эришган улкан муваффақиятларини ҳам акс эттиради.

Сизнинг қайта сайланганингиз ҳақидаги хабарни мен катта мамнуният ила қабул қилдим, чунки бу шахсан биз учун Хиндистон ва Ўзбекистон ўртасидаги иқки томонлама муносабатларни янада ривожлантириш йўлидаги ҳамкорликни давом эттириш учун янги имкониятлар яратади", дейилади Хиндистон Бош вазири Нарендра Моди мактубида.

Покистон Бош вазири Имрон Хон мамлакатимиз етакчилисини ёрқин ғалабаси билан қутлади ҳамда "Ўзбекистон халқи яна бир бор унинг моҳир раҳбарлигига ишонч билдирди. Мен Покистон ва Ўзбекистон ўртасидаги самарали ҳамкорлик давом этишидан умидворман", деб таъкидлади.

Италия Президенти Серджо Маттарелла ўз табриқномасида Ўзбекистон ва Марказий Осиё минтақаси яқин беш йилда янада ривожланиш учун барча имкониятларга эга бўлишига ишонч билдирди. Мамлакатимизнинг юксак марраларни қўзловчи ислохотларни амалга ошириш ҳамда Тошкент ва Европа Иттифоқи ўртасидаги алоқаларни мустаҳкамлаш борасидаги саъй-ҳаракатлари қўллаб-қувватланди.

Бирлашган Араб Амирликлари Президенти шайх Халифа бин Зоид Ол Наҳаён Президент Шавкат Мирзиёевни иқкинчи муддатга сайлангани билан самимий табриқлаб, унга сийҳат-саломатлик ва бахт-саодат, дўст Ўзбекистон халқи ва ҳукуматига эса доимий тараққиёт ва раънақ тилади.

"Халқларимиз фаровонлиги йўлида иқки томонлама ҳамкорлик муносабатларимизни янада мустаҳкамлашга бўлган содиқлигимизни яна бир бор тасдиқлаймиз. Фурсатдан фойдаланиб, дўст Ўзбекистон халқининг янада тараққий этиши ва фаровонлиги йўлидаги интилишларини рўёбга чиқаришида муваффақиятлар тилаб қоламиз", дейилади Ўмон Султони Ҳайсам бин Торик Ол Саиднинг табриқномасида.

Шунингдек, Бирлашган Араб Амирликлари вице-президенти, Бош вазири, Дубай Амирлиги ҳокими шайх Муҳаммад бин Рошид Ол Мактум, БАА Қуролли кучлари Олий бош қўмондонни ўринбосари, Абу Даби валиаҳди шайх Муҳаммад бин Зоид Ол Наҳаён, БАА Бош вазири ўринбосари, Президент ишлари бўйича вазири шайх Мансур бин Зоид Ол Наҳаён, БАА Бош вазири ўринбосари, ички ишлар вазири шайх Сайф бин Зоид Ол Наҳаён ҳам самимий тилақлар билдирилган табриқларини йўллаганлар.

Қутловлар келиши давом этмокда.

◀ (Бошланиши 1-бетда)

Мазкур янги қонун Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2018 йил 12 апрелдаги "Ўзбекистон Республикаси Давлат божхона хизмати органлари фаолиятини тубдан такомиллаштириш чора-тадбирлари тўғрисида"ги ҳамда 2020 йил 6 июндаги "Божхона маъмуриятчилигини ислоҳ этиш ва Ўзбекистон Республикаси давлат божхона хизмати органлари фаолиятини такомиллаштириш тўғрисида"ги Фармонлари ижросини таъминлаш мақсадида Давлат божхона кўмитаси томонидан ишлаб чиқилган.

Янги қонун билан амалдаги Божхона кодексининг 81 та моддасига ўзгариш ва қўшимчалар киритилмокда. Жумладан, кодекснинг 70 та моддасига тегишли ўзгариш ва қўшимчалар киритилиб, 10 та янги модда билан тўлдирилмокда ва 1 та модда чиқариб ташланмокда.

Тақлиф этилаётган асосий ўзгариш ва қўшимчалар куйидагилардан иборат. Яъни божхона назоратини соддалаштириш йўналишида:

- божхона расмийлаштируви муддати 3 кундан 1 кунга қисқартирилмокда;
- товар ва транспорт воситаларини тегишли божхона режимларига жойлаштириш мақсадида талаб этиладиган рўхсатномалар бериш тартиби бекор қилинмокда.
- қайта ишлаш натижасида ҳосил бўладиган товарларнинг чиқши нормасини ваколатли шахслар томонидан белгиланишиг ҳуқуқий асоси белгиланмокда.
Бу ўринда бугунги кунда

қайта ишлаш нормалари божхона органлари томонидан белгиланмаётгани, хусусан, биргина 2020 йилда 296 та ҳолатда шундай ҳол кузатилаганига эътибор қаратиш лозим. Бу эса, тадбиркор-

Қонун моҳияти

Божхона назоратининг соддалаштирилиши

экспорт ва импорт жараёнларини тезлаштиради ва шаффофлигини таъминлайди


лардан ортиқча ҳужжатлар талаб этилишига сабаб бўлмокда. Бундан ташқари янги қонунда божхона омборининг, бож олинмайдиган савдо дўконининг ва эркин омборининг фаолиятини лицензиялаш ҳудудий бошқармалар томонидан амалга оширилиши белгиланмокда.

Негаки, ҳозирда божхона омбори, бож олинмайдиган савдо дўкони ва эркин омбори фаолияти учун лицензия бериш марказлаштирилган тартибда Давлат божхона кўмитаси марказий аппарати томонидан амалга оширилиши тадбиркорлар учун ортиқча вақт сарфи ва оворгарчиликларни юзага келтирмокда.

Шунингдек, Ўзбекистон Республикасининг туризм салоҳиятини ошириш мақсадида бож олинмайдиган савдо дўконининг янги учинчи турини ташкил этишининг ҳуқуқий асоси жорий этилмокда. Бунда Президентимиз-

нинг 2019 йил 5 январда қабул қилинган "Ўзбекистон Республикасида 2025 йилгача туризмни ривожлантириш чора-тадбирлари тўғрисида"ги Фармони билан мамлакатимизнинг қади-

мамлакатда шопинг-туризмни ривожлантириш имконини беради. Шунингдек, янги қонун билан товар кириб келганда тақдим этиладиган ҳужжатларни қисқартириш ва



мий шаҳар ва вилоятларнинг маъмурий марказларида божсиз савдо қилувчи duty-free дўконларини ташкил этиш белгиланганлиги сабабли Божхона кодексига тегишли ўзгаришлар киритилаётганини таъкидлаш лозим.

Ушбу ўзгаришлар duty-free дўконларини нафақат аэропортлар, балки Республикада бож олинмайдиган савдо дўконининг янги учинчи турини ташкил этишининг ҳуқуқий асоси жорий этилмокда.

Тадбиркорлар томонидан декларациялаш тизимини соддалаштириш мақсадида транзит декларацияси жорий этилади. Бу ўз навбатида, қўшимча ҳужжатлар ва турли расмиятчиликларнинг олдини олишга хизмат қилади. Тадбиркорлик субъектлари учун божхона тўловларини кечиктириб ва бўлиб-бўлиб тўлашининг энг кам муддати 14 кун этиб белгиланмокда. Бу ўз навбатида, тадбиркорлар учун ўз режаларини тўғри ташкил этишини таъминлайди.

Тадбиркорлар томонидан декларациялаш тизимини соддалаштириш мақсадида транзит декларацияси жорий этилади. Бу ўз навбатида, қўшимча ҳужжатлар ва турли расмиятчиликларнинг олдини олишга хизмат қилади. Тадбиркорлик субъектлари учун божхона тўловларини кечиктириб ва бўлиб-бўлиб тўлашининг энг кам муддати 14 кун этиб белгиланмокда. Бу ўз навбатида, тадбиркорлар учун ўз режаларини тўғри ташкил этишини таъминлайди.

Бундан ташқари Божхона кодексини бир қатор янги моддалар билан ҳам тўлдирилмокда. Хусусан, божхона ва тадбиркорлар ўртасидаги низоларни судгача ҳал қилиш бўйича янги тизим жорий этилмокда.

Қайд этиш лозимки, Божхона органларининг ҳаттиҳаракатлари билан боғлиқ 2019 йилда 15 та ва 2020 йилда 29 та низоли иш маъмурий судлар томонидан кўриб чиқилган. Бу, ўз навбатида, тадбиркорларнинг турли суд инстанцияларидаги оворгарчиликка сабаб бўлмокда.

Тақлиф этилаётган янги тизим туфайли мавжуд низоларни дастлаб божхона органларида ҳал этиш ва бу орқали судда кўрилаётган низоларни ўртача иқки баробарга қисқартиришга эришилади.

Айтиш керакки, ушбу янги қонунни ишлаб чиқишда илгор хорижий тажрибага алоҳида эътибор қаратилди. Хусусан, Россия, Қозоғистон, Озарбайжон ва бошқа хорижий мамлакатлар ҳамда Евроосиё иқтисодий иттифоқининг тажрибаси батафсил ўрганилган.

Мухтасар айтганда, ушбу янги қонуннинг қабул қилиниши божхона иши соҳасидаги умумэтироф этилган халқаро норма ва стандартлар миллий қонунчиликка имплементация қилинишига олиб келади. Шунингдек, Божхона кодексига мавжуд ҳуқуқий бўшлиқларни тўлдиришга хизмат қилади.

Толибжон МАДУМАРОВ, Олий Мажлис Сенатининг Мудофас ва хавфсизлик масалалари кўмитаси раиси ўринбосари

Эҳтиёт бўлинг, фирибгар!

Алдов

ёшлигидан танир, оилавий шароитини ҳам яқин биларди. Унинг ўзини ўнглаб, оёқда туриб олаётганини эшитиб, қувонди. Тижорат ишига барака тилади. Сўхбат орасида Мақсуддан 10 миллион сўм зарур бўлиб тургани, иқки-уч кунда қайтаришини эшитгач, "уйга бориш, мен сизга айтган пулингизни бериб тураман" деганини ўзи ҳам билмай қолди.

Ҳақиқатан ҳам, Мақсуд уч кун ўтиб, Шамсия опадан олган 10 миллион сўмни қайтарди. Сўзида турган, ҳалол маҳалладашдан Шамсия зарованинг олдига таниши Мақсуд келди. Ҳол-аҳвол сўрашгач, у автомашиналар савдоси билан шуғулланиб, катта фойда топаётганини айтиб мактанди.

Ш.Холназарова Мақсудни тарихи муддати келганда, Шерали Мақсудга кўнғироқ қилади. Мақсуд ҳам ваъдасида туради, 8 миллион сўмни раҳмат айтганча, қайтариб беради. Бироқ орадан кўп ўтмай Мақсуд яна қарз сўраб келди. Шерали яна унинг раъйини қайтармади. Аммо Мақсуд бу билан чекланмади, яна бир неча маротаба қарз сўради. 2020 йилнинг 23 сентябрь кунини Мақсуд Шералидан 25 миллион сўм қарз олди. Бу билан унинг олган қарзи 61 миллион сўмга етган эди.

Орадан кўп ўтмай Ш.Нуридинов Мақсуддан қарзини қайтаришини сўради. Мақсуд бир гал онаси карованавирусга чалиниб қолганини, кейинги сафар эса, ўзининг касал эканини баҳона қилди. Шерали қарзини қайтаришини сўраб, бўзчининг мохисидек "зув" қатнайвер-

гач, Мақсуд олган қарзни сарфлаб юборгани, айни пайтда пули йўқ эканини очик-ошкор айтди. Ойига 2 миллион сўм иш ҳақи тўлайдиган ишга кирганини айтди, Шералидан сабр қилиб туришни сўради.

Утган йилнинг 10 сентябрь кунини "Деҳқон бозори"да савдо қилаётган Шамсия Холназарованинг олдига таниши Мақсуд келди. Ҳол-аҳвол сўрашгач, у автомашиналар савдоси билан шуғулланиб, катта фойда топаётганини айтиб мактанди.

Ҳозирги пайтда жинойят турлари орасида фирибгарлик нисбатан кўп учрайди. Бунинг бир қатор сабаблари бор. Хусусан, одамларнинг ишонувчан ва соддағиллигини суиистеъмол қилиш ҳам шунга бориб тақалади.

Кимдир исмини айтиб, чақираётганини эшитган Шерали Нуридинов (исм-шарифлар ўзгартirilган) эшикни очди. Остонада маҳалладоши Мақсуд Наврўзов турарди.

Ичкарига тақлиф қилса-да, Мақсуд шошилиб турганини айтиб, бироз истиҳолоа қилдирди, яна бир неча маротаба қарз сўради. 2020 йилнинг 23 сентябрь кунини Мақсуд Шералидан 25 миллион сўм қарз олди. Бу билан унинг олган қарзи 61 миллион сўмга етган эди.

Орадан кўп ўтмай Ш.Нуридинов Мақсуддан қарзини қайтаришини сўради. Мақсуд бир гал онаси карованавирусга чалиниб қолганини, кейинги сафар эса, ўзининг касал эканини баҳона қилди. Шерали қарзини қайтаришини сўраб, бўзчининг мохисидек "зув" қатнайвер-

гач, Мақсуд олган қарзни сарфлаб юборгани, айни пайтда пули йўқ эканини очик-ошкор айтди. Ойига 2 миллион сўм иш ҳақи тўлайдиган ишга кирганини айтди, Шералидан сабр қилиб туришни сўради.

Ш.Холназарова Мақсудни

Н.АБДУРАИМОВА, Ўза муҳбири

◀ (Бошланиши 1-бетда)

Сайлов участкаларида пандемия шароитида аҳоли саломатлигини ишончли муҳофаза қилиш, сайловчилар ва сайлов жараёни бошқа иштирокчиларнинг ҳавфсизлигини таъминлаш учун зарур барча шарт-шароитлар яратилди. Сайлов коронавирус карантини талабларига тўлиқ амал қилган ҳолда ўтди.

● Президент сайлови илк мартаба 2019 йилда қабул қилинган Сайлов кодекси асосида ўтказилди. Бошқача айтганда, Ўзбекистон Республикаси Сайлов кодекси амалда жиддий синовдан муваффақиятли ўтди.

Бу ўринда сўнги беш йил мобайнида мамлакатимиз миллий сайлов қонунчилигида жиддий ўзгаришлар юз берганига эътибор қаратиш лозим. Халқаро ва хорижий экспертлар таъкидлаганидек, Янги Ўзбекистонда сайлов қонунчилигини изчил такомиллаштириш ҳамда сайловларни ўтказиш амалиёти сифат жиҳатидан янги поғонага кўтарилди. Хусусан, сайлов қонунчилигига жорий йилнинг 8 февраль ва 31 май кунлари ўзгартиш ва қўшимчалар киритилди. Шу асосда, аввало, сайлов жараёни иштирокчилари, яъни сайловчилар, сиёсий партиялар, сайлов комиссиялари, оммавий ахборот воситалари ҳамда миллий ва халқаро кузатувчиларнинг ҳуқуқлари ва қафолатлари кенгайтирилди. Сайловчиларнинг ягона электрон рўйхати тузилди.

Замонавий ахборот технологиялари жорий этиш орқали сайлов жараёниларини бошқариш ахборот тизими янада такомиллаштирилди. Хусусан, мамлакатнинг барча, яъни 207 та туман ва шаҳарларида жойлашган сайлов участкаларида 414 та кузатув камераси ўрнатилди. Бу 2019 йилги парламент сайлови давридаги кўрсаткичдан 147 фоиз кўпдир.

Бундан ташқари барча сайлов участкалари видеокузатув камералари билан таъминланиб, овоз бериш жараёниларини онлайн шаклда намойиш этиш йўлга қўйилди. Бу жараён, айниқса, Марказий сайлов комиссиясининг сайлов портали ва Матбуот хизмати биносидаги улкан экранда, шунингдек, "Ўзбекистон-24" телеканали орқали тўғридан-тўғри ҳамда узлуксиз тарзда кўрсатиб борилади.

● Сайлов демократик руҳда, очиқлик ва ошқоралик тамойиллари асосида бўлиб ўтди. Партияларро қизгин кураш йўлида ўтган сайловда ҳар бир партия номзоди ўз дастури билан ҳамда номзодларнинг ишончли вакиллари фаол қатнашди, барча ҳудудларда сайловда ташвиқот-тарғибот тадбирларини ўтказди.

Президентликка номзодларнинг ҳар бири учун "Ўзбекистон-24", "Ўзбекистон", "Ёшлар", "Маҳалла" ҳамда "Маданият ва маърифат" телеканалларида 210 дақиқа бепул эфир вақти ажратилди. Ҳар бир телерадиоканалда сиёсий партияларнинг сайловда ташвиқотига оид телекўрсатувлари ва радиокўрсатувлари 150 сонияли блокда 4 мартадан эфирга узатиб борилади. Ўзбекистон Миллий телерадиокорпорацияси 13 та минтақавий телеканалларида эса, шу мақсадлар учун 1 минг 900 дақиқа вақт ажратилди.

● Марказий сайлов комиссияси, округ ва участка сайлов комиссиялари ўз фаолиятини Сайлов кодекси талаблари ҳамда Ўзбекистон Республикаси Президентини сайловини ўтказиш бўйича асосий тадбирлар дастури ҳамда Календар режасига биноан, қонунийлик, мустиқлик, ҳолислик, очиқлик, ошқоралик ва шафқатлик тамойилларига тўла амал қилган ҳолда ташкил этгани сайловнинг сифати ҳамда савиясига бевосита ижобий таъсир кўрсатди.

Бунда, айниқса, сиёсий партиялар ва Президентликка номзодлар учун

Сайлов — 2021

Янги Ўзбекистонда Президент сайлови: яқунлари ва хусусиятлари

сайлов кампанияси даврида сайловда ташвиқоти учун тенг ва кенг имкониятлар яратилгани муҳим аҳамият касб этди.

● Сайлов жараёни оммавий ахборот воситалари ва Интернет орқали кенг ёритиб борилади. Бу борада, айниқса, ижтимоий тармоқлар ниҳоятда фаол бўлди. Ушбу омиллар, ҳеч шубҳасиз, Президент сайлови халқаро мезонлар ва стандартларга мос миллий сайлов қонунчилигига, унда белгиланган очиқлик, ошқоралик, эркинлик ва адолат каби умумэтироф этилган демократик принципларга тўла мос ҳолда, кўтаринки руҳда ўтказилишига яқиндан хизмат қилди.

Сайловда ташвиқоти даврида Президентликка номзодларнинг ҳар бири учун мамлакат аҳамиятига молик даврий нашрлар — "Янги Ўзбекистон", "Правда Востока", "Халқ сўзи", "Навродное слово" газеталари 5 саҳифадан, шунингдек, "Овози тожик" ва "Нури жол" газеталари 5,5 саҳифадан жой ажратди. Худудлардаги 26 та маҳаллий газета ҳар бир номзодга 42 саҳифадан жой тақдим этди.

● Илк бор номзодларнинг вакиллари ўртасида теледебатлар ўтказилди. Теледебатлар сайловчиларга ҳар бир сиёсий партия илгари сураётган гояларни таққослашга имкон берган бўлса, партияларга эса, давлат ва жамият ҳаётидаги ўзгаришларга доир қарашларини, янги тақлиф ва ташаббусларини эркин ифода этиш имконини берди.

Саккизинчи хусусияти: Президентликка номзодларнинг таржимаи ҳоли ва сайлов дастури акс этган 847 минг 370 дона ташвиқот плакати ўзбек, рус, қорақалпоқ тилларида ҳамда илк мартаба тожик, қozoқ, туркман ва киргиз тилларида чоп этилди. Номзодлар ҳақидаги маълумотлар мамлакат бўйлаб ўрнатилган 421 та электрон мониторда мунтазам намойиш этилди.

● Илк бор сайловда тўлақонли иштирок этиш учун тарғибот материаллари ва сайлов бюллетенлари Брайль алифбосида чоп этилиб, аудио-ёзувда тарқатилди, сурдо-таржима билан таъминланди.

● Фуқаролик жамияти институтлари, хусусан, маҳаллалар, нодавлат нотижорат ташкилотлари, миллий маданий марказларнинг кўп минг сонли вакиллари ҳамда волонтерлар сайлов кампаниясининг барча босқичларида кенг ва фаол иштирок этди.

● Сайлов жараёнида 197 та маҳаллий оммавий ахборот воситасининг 1 минг 439 нафар вакили ва 140 дан ортиқ нуфузли хорижий оммавий ахборот воситасининг 233 нафар журналисти ёритиб борди. Шу мақсадда рўйхатдан ўтказилган жами оммавий ахборот воситалари вакилларининг сони 1 минг 672 нафарни ташкил этди.

Сайлов кампанияси давомида хорижий ва миллий нашрларда 76 мингтадан зиёд материаллар эълон қилинди. Бу 2019 йилги парламент сайлови давридаги кўрсаткичдан 34 мингтага кўп, деганидир.

● Сайловнинг Европада Хавфсизлик ва ҳақоратли ташкилотнинг Парламент Ассамблеяси ҳамда Демократик институтлар ва инсон ҳуқуқлари бўйича бюроси, Шанхай ҳамкорлик ташкилоти, Мустиқ давлатлар ҳамдустлиги ва МДХ Парламентлараро Ассамблеяси, Туркий тили давлатлар ҳамкорлик кенгаши, Туркий кенгаш Пар-

ламент Ассамблеяси ҳамда Ислам ҳамкорлик ташкилоти каби 20 га яқин нуфузли халқаро ташкилотдан 631 нафар халқаро кузатувчи бевосита кузатиб борди.

Шунингдек, дунёнинг 50 га яқин давлатдан 340 нафар хорижий кузатувчи ташриф бурди ва сайлов жараёнида кузатишда фаол иштирок этди. Сайлов жараёнида кузатишда жами 971 нафар халқаро ва хорижий кузатувчи қатнашди.

● Сайловда иштирок этган бешта сиёсий партиядан ва фуқароларнинг ўзини ўзи бошқариш органларидан 64 минг 450 нафар вакил миллий кузатувчи сифатида сайлов жараёнида фаол иштирок этди.

● Биринчи марта мамлакатимизнинг туман ва шаҳарларидаги 207 та сайлов участкасида сайловчилар рўйхати киритилган 299 минг 780 нафар фуқарога овоз бериш имконияти яратилди. Авваллари фақат консуллик ваколатхоналаридан расман рўйхатдан ўтган Ўзбекистон фуқароларига сайловларда қатнашарди.

Бу галги сайловда мамлакатимизнинг дипломатик ваколатхоналари мавжуд бўлмаган 11 та мамлакатда ҳам хориждаги юрtdошларимиз учун зарур шароитлар туғдириб берилди. Яъни, дунёнинг 149 та шаҳрида жами 380 та қўшимча кўчма сайлов участкаси ташкил этилди.

● Ушбу сайловда илк бор овоз бериш кўрсаткичлари ҳам анча салмоқли бўлгани кузатилди. Бунда, бир томондан, биринчи мартаба конституциявий ҳуқуқидан фойдаланган 887 минг 686 нафар ёш йигит-қиз, иккинчи томондан, кейинги даврда Ўзбекистон фуқаролигини олгани учун илк бор сайловларда қатнашиш ҳуқуқига эга бўлган минглаб юрtdошларимизнинг улуши кўзда тутилмоқда.

Булнинг барчаси сўнги йилларда жамиятимизда тобора мустақамлашиб бораётган очиқлик ва ошқоралик руҳининг сайлов жараёнида ҳам аққол намоян бўлганини исботлайди. Бинобарин, бугун халқчил ва демократик тамойилларга асосланган Янги Ўзбекистон улуг аждоғларимизнинг миллий ва тарихий анъаналарини давом эттириб, янада бойитиб, ҳар томонлама муттасил ривожланаётган замонавий демократик давлат сифатида бутун дунёнинг эътиборини тортмоқда.

Шу маънода, **Президент сайлови халқимиз юксак таваққури ва донишмандлигининг яна бир ёрқин ифодаси бўлди. Ушбу сайлов Янги Ўзбекистонда барча соҳаларда, жумладан, сиёсий-ҳуқуқий, ижтимоий-иқтисодий, маънавий-маърифий йўналишларда амалга оширилаётган изчил ислохотларнинг узвий ва мантиқий давомидир.**

Президент Шавкат Мирзиёев раҳбарлигида ўтган қисқа даврда мамлакатимиз ҳаётининг барча соҳаларида улкан ўзгаришлар амалга оширилди. Давлат раҳбари изчиллик билан олиб бораётган халқаро ва ички ва таққи сибсат натижасида жонажон Ватанимиз изчил тараққий этиб, халқимизнинг бахти тўқис ва ҳаёти тобора фа-

ривон бўлиб бормоқда.

Мамлакатимизда демократик тамойиллар асосида ижтимоий-иқтисодий ва маънавий-сиёсий муносабатларни қонунчилик йўли билан мувофиқлаштириш, аҳолининг турмуш сифати ва даражасини янада оширишга қаратилган ислохотлар ўз амалий самарасини бермоқда.

Сайловчилар билан учрашувларида: "Инсон қадрини улуғлаш, унинг ҳаётий манфаатларини таъминлаш учун, энг аввало, одамларимизнинг саломатлиги ва яшаш шароитини яхшилашимиз керак", "Инсон қадрини учун" тамойилининг муҳим бўғини — барча учун сифатли таълим олишга имконият ва шарт-шароитлар" деган фикрлар кўп тақрорланди. Буларнинг барчаси юртимизда инсон ҳуқуқлари, инсон қадрини тобора устувор аҳамият касб этаётганидан далолат беради.

Чиндан ҳам, бугун Ўзбекистонда "Инсон қадрини учун!" шиори кенг амал қилмоқда. Бунда, авваламбор, **"Халқ — давлат органларига эмас, давлат органлари халқимизга хизмат қилиши керак"** деган тамойил ҳаётиимизга изчил жорий этилаётгани муҳим ўрин тутмоқда. Президентнинг Халқ қабулхоналари ва Виртуал қабулхонаси ташкил этилгани инсонни қадрлаш, қадр-қиммати ва иззат-обрусини жойига қўйиш учун унинг муаммоларига ечим топиш, ташвишларини ҳал этиш ва дардига малҳам бўлиш, бир сўз билан айтганда, инсон манфаатларини таъминлаш жуда муҳим эканини амалда кўрсатди.

Дунёда дўстларимиз ва яқин ҳамкорларимиз янада қўпаймоқда. **Мингдан ортиқ халқаро ва хорижий кузатувчилар, жаҳон оммавий ахборот воситалари вакиллари Ўзбекистон Республикаси Президентини сайлов демократия ва рақобат руҳида, қонуний ва адолатли, очик ва шафқатли, ҳолис ва ошқоралик асосида бўлиб ўтганини эътироф этди.**

Сайловда Ўзбекистон халқи, бир томондан, Ҳаракатлар стратегияси инсон доирасида амалга оширилган ҳар томонлама эътиборга лойиқ шиддатли ислохотларимиз самараларига юксак баҳо берди. **Иккинчи томондан, сайловчилар ана шу ибратли ишларнинг давоми бўлган Янги Ўзбекистон тараққий стратегиясига қомил ишонч билдирди.**

Халқимиз Миллат сардори Шавкат Мирзиёев билан қамиша биригилгани — биргаликда ягона ва яқдил Янги Ўзбекистонни бунёд этишга тайёр эканини шовён этгани бунинг аққол тасдиқи бўлди. Сайловчилар Ўзбекистон Президентининг Учинчи Ренессанс пойдеворини яратиш йўлидаги эзгу ва гоятда масъулиятли ишларини яна бир бор ўз овозлари ёрдамида фаол қўллаб-қувватлади.

Энг асосийси, Президент Шавкат Мирзиёевнинг "Янги Ўзбекистон стратегияси" китобида баён этилган ва халқимиз юксак ишонч билдирган Янги Ўзбекистон тараққий стратегияси доирасида бугун Ўзбекистонликлар ўз олдига жуда катта марраларни белгилэди олди. Ушбу эзгу йўлга халқимизни жишлштирсақ, барчамиз бир тану бир жон бўлиб ҳаракат қилсак, кўзлаган марраларимизга албатта, эришамиз.

Акмал САЙДОВ,
Инсон ҳуқуқлари бўйича Ўзбекистон Республикаси Миллий маркази директори

Фуқаролик қонунчилиги



◀ (Бошланиши 1-бетда)

Ўзбекистон Республикаси Бош прокуратураси ҳузурдаги Мажбурий ижро бюроси маълумотларига қараганда, 2020 йилнинг 1 июль ҳолатига кўра, Мажбурий ижро бюроси иш юритишда 992 мингта ижро ҳужжатидан 245 мингдан ортигини — 24 фоизини, 2021 йил 1 март ҳолатига кўра эса, иш юритишда 1 миллион 90 мингта яқин ижро ҳужжатининг 268 мингдан ортигини, яъни 24,6 фоизини алимент тўловларига оид ижро ишлари ташкил қилган.

Шунингдек, Мажбурий ижро бюросига 2020 йилнинг 1 июлига қелиб тушган 58 минг 500 га яқин мурожаатнинг 39 мингдан ортигини, яъни 66 фоиз алиментга оид мурожаатлардир. Бундан ташқари 58 минг 190 нафарга яқин қарздордан ижро ҳужжати бўйича алимент пуллари мажбурий ижро этиш чораларини қўллаш орқали ундирилган.

Вояга етмаган ва вояга етган муҳтож шахслар учун ўз вақтида моддий таъминот олиш ҳаёт кеҳирининг зарур эҳтиёжидир. Бунини ҳисобга олган ҳолда, алимент қарздорлиги мудаффа ва тўғри ундирилиши муҳимдир.

Мамлакатимизда сўнги йилларда алимент тўлаш мажбуриятларини белгиловчи бир қатор норматив-ҳуқуқий ҳужжатлар қабул қилиниб, тегили чора-тадбирлар амалга оширилди. Жумладан, вояга етмаган ёки меҳнатга лаёқатсиз шахсларни, шунингдек, ота-онани моддий таъминлашдан, хусусан, алимент тўлашдан бўйин товлаганлик учун маъмурий ва жиноий жавобгарлик жорий этилди.

Бундан ташқари қарздорлиқни ундиришга қаратилган таъсир чораларидан бири сиёсий қарздорнинг чет элга чиқиш ҳуқуқини вақтинча чеклаш белгиланди.

Хорижий давлатлар таърихи
Хорижий мамлакатлар қонунчилигида алимент тўлови бўйича қарздорлиқни бартараф этиш учун бир-бирига ўхшаш таъсир чоралари қўлланилади.

Масалан, Германияда алимент қарздорлиги бўйича мажбурий меҳнат, мусодара қилиш ва қарздорнинг мол-мулкни бола фойдасига мусодара қилиш вақтича чеклаш жазоси мавжуд.

Канадада эса, доимий равишда қарздорлиқнинг ов қилиш ҳуқуқини чеклаб, уларнинг фотосуратлари интернетда эълон қилинади. Шу билан бирга, Германияда болалар алиментни 25 ёшга олса, Канада қонунчилигига биноан, ота-оналар 27 ёшга бўлган болаларнинг ўқиши учун пул тўлаши шарт.

Украинаниннг "Ижро этиш тўғрисида"ги қонунига кўра, алимент бўйича умумий қарздорлик миқдори тўрт ойда тўланиши лозим бўлган алимент миқдоридан ошиб кетганда, давлат ижросини қарздорнинг транспорт воситаларини бошқариш ҳуқуқини алимент тўлови бўйича қарздорлик бартараф этилгунга қадар вақтинча чеклаш ҳуқуқига эга.

Латвияда алимент тўлаш бўйича қарздорларни ўз мажбуриятларини бажаришга ундаш учун бир қатор чекловлар жорий этилган.

Хусусан, транспорт воситаларини бошқариш ҳуқуқини чеклаш, қуролдан фойдаланиш

учун берилмаган лицензиядан фойдаланишга тақиқ қўйиш, шунингдек, таваккалчиликка асосланган ўйинлар ташкилотчиларига ўйинларда иштирок этувчи шахсларнинг алимент қарздорлик бўйича реестрда мавжудлигини аниқлаш орқали уларнинг иштирокини чеклаш мажбурияти юкланган.

Шунингдек, алимент бўйича қарздорлар фарзанди таъминоти учун етарли маблағ ва мол-мулки бўлмаган ҳолатларда уни мажбурий меҳнатга жалб қилиш орқали қарздорлик ундирилади. Латвиянинг "Адвокатура тўғрисида"ги қонунига мувофиқ, алимент тўлови бўйича қарздор жисмоний шахсга қарздорлиқ бартараф этилганга қадар адвокатлик лицензияси берилмайд.

Россиянинг "Ижро этиш тўғрисида"ги федерал қонунда ижро этиш чоралари мувофиқ алимент тўлови бўйича қарздор жисмоний шахснинг транспорт воситасини бошқариш ҳуқуқи вақтинча чекланиши назарда тутилган.

Қозғонининг "Ижро этиш ва суд ижросидаги мақоми тўғрисида"ги қонунини мудаффа ва тўғри ундирилиши муҳимдир. Мамлакатимизда сўнги йилларда алимент тўлаш мажбуриятларини белгиловчи бир қатор норматив-ҳуқуқий ҳужжатлар қабул қилиниб, тегили чора-тадбирлар амалга оширилди. Жумладан, вояга етмаган ёки меҳнатга лаёқатсиз шахсларни, шунингдек, ота-онани моддий таъминлашдан, хусусан, алимент тўлашдан бўйин товлаганлик учун маъмурий ва жиноий жавобгарлик жорий этилди.

Бундан ташқари қарздорлиқни ундиришга қаратилган таъсир чораларидан бири сиёсий қарздорнинг чет элга чиқиш ҳуқуқини вақтинча чеклаш белгиланди.

Хулоса ва тақлифлар
Бу борадаги таҳлиллар ҳамда хорижий давлатлар таърихида қилиб чиқиб айтиш мумкинки, мамлакатимиз ҳудудида юрган қарздорларга самарали таъсир чораси сифатида давлат ижросиларига алимент тўлови бўйича қарздор жисмоний шахсларнинг транспорт воситасини бошқариш ҳуқуқини қарздорлик бартараф этилгунга қадар вақтинча чеклаш тўғрисида қарор чиқариш ҳамда фаолиятнинг лицензияланмаган турини амалга ошириш ҳуқуқини вақтинча чеклаш тўғрисидаги тақдирнома билан судга мурожаат қилиш ҳуқуқини бериш мақсадга мувофиқдир.

Қонун лойиҳасига мазкур таъсир чоралари қўлланилмайдиган истисно ҳолатлар ҳам киритилган. Хусусан:

● суд қарорини ижро этиш учун етарли мол-мулк олиб қўйилган тақдирда;

● агар шундай чеклаш белгиланиши қарздор тирикчилигининг асосий ва қонуний манбаидан маҳрум қилса;

● агар қарздорга ижро ҳужжати талабларини бажариш учун кеҳиктариш ёки бўлиб бўлиб тўлаш имконияти берилган бўлса;

● вояга етмаган болалар таъминоти учун алиментлар олдидан тўланган ёки алимент тўлаш мажбуриятини таъминлаш учун гаров шартномаси тузилган бўлса, махсус ҳуқуқларини вақтинча чеклаш қўлланилмайд.

Хулоса қилиб айтганда, ушбу қонун лойиҳасининг қабул қилиниши болалар ҳуқуқини тўлақонли ҳимоя қилиш билан бирга алимент ундируви билан боғлиқ қарздорлиқни бартараф этиш имконини беради.

Дилдора АНВАРОВА, Адлия вазирлиги ҳузурдаги Хуқуқий сиёсат тадқиқот институти бош маслаҳатчиси



Йўли бунга лоқайдлик ва эътиборсизлик сабаб бўлди
Орадан бир неча кун ўтиб, Мақсуд яна Илёснинг уйига келди. Уйда "Дамас" русумли автомашинаси сотишга тайёрлаётгани, аммо ҳозир 35 миллион сўм жуда зарур бўлиб қолганини айтди. "Мақсудга ишонса бўлади, қарзини вақтида қайтарди, яна сотишга "Дамас" автомашинаси бор экан", деган ҳаёлда И.Маханкулов жамғариб қўйган 31 миллион сўмни М.Наврўзовнинг қўлига тут-

ли-туман баҳоналарни эшитиб қайтаверди. Фирибгарликнинг ҳадисини олган М.Наврўзов шу тариқа Ш.Нуриддинов, Ш.Холназарова, И.Маханкулов, Н.Эшмаматов ва Э.Ҳамроқуловнинг доғда қолдиради. Фирибгар алдов йўли билан Н.Эшмаматовнинг 25 миллион сўми, Э.Ҳамроқуловнинг 7 миллион сўмини қўлга киритган.

Ҳаётда инсон фақат ҳалол меҳнати билан ўсиб-ундириб, барака топиб, обрў-эътибор қозонади. Бу ҳаётда исботини топган оддий ҳақиқат. Аммо М.Наврўзов тўғри йўл ўрнига эгри йўлни танлади. Соғлом, меҳнат қилишга лаёқатли, оилали, икки фарзанднинг отаси, йигирма тўрт ёшли М.Наврўзов маҳалладошларини алдаб, уларнинг қарзини олиб бораётган бўлиб қолди. Судланувчи М.Наврўзовнинг тақроран алдаш ёки ишончли суиистеъмол қилиш

йўли билан ўзгаларнинг мулкни қўлга киритишдаги қилмиши суд мажлисида тўлиқ тасдиқини топди. Суд унга нисбатан жазо тайинлашда ёши, оилавий аҳоли, муқаддам судланмагани, турмуш ўртоғи вафот этгани, икки нафар фарзанди борлигини инобатга олди. Бироқ гаразли ниётларда қасдан жиноят содир этганини огирлаштирувчи ҳолат деб баҳолади. Одиллик, жиноят учун жавобгарликнинг муқаррарлиги тамойилларига риоя қилган ҳолда М.Наврўзовга қўлланилган эҳтиёт чорасини аслича қамқоқда қолдиришни лозим топди. Хукм қонуний кучга киргач, судланувчи М.Наврўзовдан Ш.Нуриддиновга 61 миллион сўм, Ш.Холназаровга 42 миллион сўм, И.Маханкуловга 29 миллион сўм, Н.Эшмаматовга 25 миллион сўм ва Э.Ҳамроқуловга 7 миллион сўм ундирилиши алоҳида қайд этилди.

Баён этилган мазкур воқеа ҳақида фикр юритганда, қўнига бир қатор саволлар туғилади. Агар эътибор берилган бўлсангиз, фирибгар ҳам, унинг алдовига "чув" тушганлар ҳам битта маҳаллада яшашган. Аммо М.Наврўзовнинг қилмишларига ҳеч ким эътибор бермаган. Яъни унинг ҳеч қачон автомашина савдоси билан шугулланмагани, аллақачон фирибгарлик йўлига кирганини ҳеч ким ҳаёлига келтирмаган. Бу эътиборсизлик ва лоқайдлик фирибгарлик жиноятининг илдириш остига сабаб бўлган. Демак, фуқароларнинг ҳаётга очик кўз билан қараши, ҳушёр ва зийрак бўлиши нафақат фирибгарлик, балки бошқа жиноий қилмишларнинг олдини олишда ўта муҳим воситадир. Бунинг ҳеч қачон унутмаслик керак.

Абдусаттор АБДУРАЗОҚОВ, жиноят ишлари бўйича Каттақўرғон шаҳар судининг раиси
Ҳамид ЭҒАМ, журналист

Бугунги кунда судлар томонидан фуқароларнинг ҳуқуқ ва қонуний манфаатлари амалда кафолатли ҳимоя қилинмоқда. Масалан, Абдулазиз Нишонов 1952 йил 27 сентябрда Бувайда туманининг Оққўрғон қишлоғида туғилган. Уларайиб, мактабни тамомлагач, олий ўқув юртига ўқишга кирган. Аммо 21 ёшида — 1973 йилда фуқаролик паспортини йўқотиб қўйган.

Ҳуқуқ ва бирч

Суд қарори

фуқаронинг сайлов ҳуқуқини тиклади



Хайратланарли томони шундаки, Абдулазиз ота шундан буён ҳеч қандай ҳужжатсиз яшаб келган. Оз эмас, нақд 48 йил!

Тўғри, ўтган салкам ярим аср мобайнида, аниқроғи, мустақиллик йилларида бир неча марта Бувайда туман ички ишлар бўлимининг миграция ва фуқароликни расмийлаштириш бўлимига ариза билан мурожаат қилган. Бироқ у бўлимга доимий яшаганлиги тўғрисида ҳужжат тақдим қилолмагани боис ҳар гал аризаси рад этилиб, судга мурожаат қилиш ҳуқуқи ташутирилган. Шу тариқа кунлар кунларни қувлаб ўтаверган. Жорий йилга келиб эса, А.Нишонов астойдил ҳаракатга тушди. Яъни фарзандлари кўмағида фуқаролик ишлари бўйича Кўқон туманлараро судига ариза билан мурожаат қилиб, ўзи тутилган қишлоқда доимий яшаганлик фактини белгилашни сўради.

Албатта, суд ушбу аризани кўриш мобайнида Абдулазиз Нишоновнинг доимий яшаганлигини тасдиқловчи бир қатор далилларни тўплашга муваффақ бўлди. Қолаверса, гувоҳларнинг кўрсатмаларига ҳам таянди.

Дастлабки далил шундан иборатки, унинг туғилганлиги ҳақидаги гувоҳнома мавжуд. Гувоҳ Н.Ғофуров эса, ўз кўрсатмасида А.Нишоновнинг синфдоши экани, у билан 8 йил бир синфда ўқиб, бир махаллада яшаб, улғайишганини таъкидлади. Шунингдек, гувоҳлар Ё.Сатторов, Ж.Хайдаров ва Ш.Эрматов ҳам юқоридагидек кўрсатма беришди.

Яна шунини алоҳида таъкидлаш лозимки, 1969 йил 10 июнда Абдулазиз Нишоновга собиқ Фарғона область Ленинград район ички ишлар бўлими томонидан фуқаролик паспорти берилган. Паспорти йўқолишдан бир йил аввал — 1972 йил 25 августда у фуқаро Б.Абдурахмонова билан қонуний никоҳдан ўтган ҳолда турмуш қурган. Бу ҳолатни тасдиқловчи никоҳ гувоҳномаси мавжуд. Биргаликдаги турмушларидан 6 нафар фарзанди бўлиб, уларнинг барчаси қишлоқда туғилиб ўсган. Қолаверса, 2021 йил 11 август кунини Бувайда туман Юқори манғит маҳалла фуқаролар йиғини томонидан бу хусусда тегишли да-

лолатнома тузилган. Энг эътиборлиси, А.Нишонов 1973-1986 йилларда Бувайда туманидаги 22-умумий ўрта таълим мактабида математика ўқитувчиси сифатида фаолият юритган. Буни мактаб маъмурияти томонидан 2021 йил 17 сентябрь кунини берилган 76-сонли маълумотнома ҳам тасдиқлайди.

Бундан ташқари Бувайда туман ИИБ миграция ва фуқароликни расмийлаштириш бўлими ходими А.Дадабоев А.Нишоновнинг илгари паспорт олинганлиги, лекин ИИБ архивдан бу ҳақда маълумот топишнинг имкони бўлмаганлигини билдириб, маъмур ишчи хал қилишни суд ҳукмига ҳавола этди.

Айтиш керакки, 2020 йил 13 мартда қабул қилинган "Ўзбекистон Республикасининг фуқаролиги тўғрисида"ги

қонуннинг 5-моддасига биноан, 1992 йил 28 июль ҳолатига кўра, Ўзбекистон Республикасида доимий яшаган, чет давлат фуқароси бўлмаган ва Ўзбекистон Республикасининг фуқароси бўлиш истагини билдирган шахс, Ўзбекистон кунини берилган 76-сонли маълумотнома ҳам тасдиқлайди.

Бундан ташқари Бувайда туман ИИБ миграция ва фуқароликни расмийлаштириш бўлими ходими А.Дадабоев А.Нишоновнинг илгари паспорт олинганлиги, лекин ИИБ архивдан бу ҳақда маълумот топишнинг имкони бўлмаганлигини билдириб, маъмур ишчи хал қилишни суд ҳукмига ҳавола этди.

Айтиш керакки, 2020 йил 13 мартда қабул қилинган "Ўзбекистон Республикасининг фуқаролиги тўғрисида"ги

ҳамда Ўзбекистон Республикасининг фуқаролигини олган шахс Ўзбекистон Республикасининг фуқароси ҳисобланади.

Юқорида қайд этилган қонуний асосларга таянган суд 2021 йил 22 сентябрдаги хал қилув қарори билан Нишонов Абдулазиз Мелиқўзиёвичнинг аризасини қаноатлантирди. Яъни унинг 1952 йил 27 сентябрда Бувайда тумани Оққўрғон қишлоғида туғилиб, шу кунга қадар доимий яшаганлик фактини белгилади. Энг муҳими, суднинг айна қарори фуқаронинг сайлов ҳақда бошқа ҳуқуқ ва эркинликларини тиклади.

Шундан сўнг Бувайда туман ИИБ миграция ва фуқароликни расмийлаштириш бўлими томонидан А.Нишоновга янги фуқаролик паспорти берилди. Натижада у шунча йиллик "таннафус"дан сўнг 2021 йил 24 октябрь кунини бўлиб ўтган Президентлик сайловида иштирок этиб, ўзи танлаган муносиб номзода овоз берди.

Хулоса ўрнида шунини айтиш керакки, ҳаётда биргина эътиборсизлик ёки лоқайдлик жиддий ҳуқуқий оқибатларни келтириб чиқаради. Айниқса, инсоннинг ўз шахсий ҳужжатларига нисбатан бепарволиги нафақат уни сарсон-саргардон қилади, балки кўнгина ҳуқуқ ва эркинликларини ҳам чеклайди. Бинобарин, ҳамюртларимизни юқоридагидек ҳолатлардан огоҳ этиб, доимий ҳушёрликка ва масъулиятли бўлишга чорлаб қоламиз.

Ўткиржон ИСМОИЛОВ,
фуқаролик ишлари бўйича Кўқон туманлараро суди раиси

Ғаройиб дунё

Буюклар ҳаётидан қизиқарли фактлар



Уильям Шекспир 23 апрелда туғилиб, айнан 23 апрелда вафот этган. Унинг Гамлет исмли ўғли бўлган.

- Маурицио Отелло деган шахс Шекспир даврида ҳақиқатан ҳам, Италияда яшаган. Лекин у оқ танли, италиялик денгиз капитани бўлган.

Даниэл Дефо — "Робинзон Крузо"нинг муаллифи умри давомида 300 дан ортиқ асар ёзган. У инглиз миллий разведкасининг асосчиси саналади.

Иоганн Вольфганг Гёте тутунни умуман хушламаган. У ҳатто ошпазини уйни тутатиб юборгани учун ишдан бўшатиб юборган. Бироқ аламзада ошпаз кетиш олдида сигарет чекиб, шоирдан ўч олган.

Яъни оиласида туғилган. У моҳир овчи ва файласуф эди.

- Тургенев вафотидан сўнг экспертлар унинг мияси оғирлигини текшириб кўришган ва адиб мияси 2,5 килограмм оғирликда эканини аниқлашган. Оддий одамларнинг мия вазни ўртача 1,5 килограммга яқин бўлишини ҳисобга олсак, рус ёзувчисининг ҳаддан зиёд кучли, қомусий билим ва тафаккурга эга бўлгани маълум бўлади.

Федор Достоевскийнинг феъл-атвори жуда ўзгача бўлган: У роса уйқучи эди, тунда ҳамма ухлаганда ижод қиларди, жуда татсиранчи одам бўлиб, кўз ёзишини тия олмаган.

Лев Толстой Ясная Полянини жуда яхши кўрган. Жуда эрта турган. Катъий кундалиқ тартибга амал қилган. Велосипедда сайр қилишни ҳам ёқтирган.

Марк Твен (Сэмюел Клеменс) қаравотда ётиб ижод қилган. У денгизчи бўлгани учун ҳам "mark twain" — икки денгиз сағени, яъни чуқурликнинг ўлчов бирлиги атамасини ўзига тахаллус қилиб олган.

- У фан ва техника кашфиётларига сармоя киритганида, катта тахминан 50.000 финжон қахва истеъмол қилган.

- У наشريёт очиш учун катта маблағ сарфлаган, аммо кутилмаганда омадсизликка йўлиқиб, қарзга ботган эди. Бальзак қарзларидан ҳалос бўлиш учун тинимсиз ижод қилган.

- Ўз романида қайсидир қаҳрамони ўлганида, Бальзак инфаркт бўлиб қолган экан.

Александр Дюма ўз қаҳрамонларини тирик деб ҳисоблаган. У ўз образлари ҳақида қайтарган. Улар билан суҳбатлашган, кулишган, дардлашган.

- Адиб диванда мук тушиб, кўллари остига ёстиқ қўйиб асар ёзган. Унинг умри давомида ёзган асарлари умумий 2000 жилдни ташкил қилишни машҳур руҳшунос Дэйл Карнеги ўз китобида таъкидлаган.

Николай Гогольнинг ошпазлик истеъдоди ҳам бор эди. Римда яшаганида италиялик ошпазлардан барча сир-асрорларни ўрганиб олиб, макарондан ажойиб таомлар тайёрлаб, сўнг дўстларини меҳмон қилган экан.

Иван Тургенев двор-

Саломатлик — бебахо неъмат. Инсон соғлиги учун хизмат қилиш олий саодат, эзгу амал ҳисобланади. Бу борада меҳнат қилаётган барча касб эгалари эътирофга лойиқ. Бироқ ҳаётда шундай кимсалар ҳам учрайдики, улар мўмай даромадга эга бўлиш учун ҳар қандай тубанликдан қайтмайди. Нафси ҳақалак отган Шокир Тўраев ва Юлдуз Қосимова (исм-шарифлар ўзгартирилган) ана шундай кимсалар сирасидан.

Сабоқ

Тўғри йўлдан адашганлар суд уларга қонуний жазо тайинлади

Икки нафар фарзандли бўлса-да, ҳаётга энгил қарагани сабабли турмушдан ажраган Ю.Қосимова болалар тарбияси билан шуғулланиш, пешона тери эвазига ҳалол пул топиш ўрнига ижтимоий тармоқларда вақт ўтказишни одат қилди. Кунларнинг бирида у Шокир Тўраев билан танишиб қолди. Муқаддам жиноят содир этгани учун судланган янги таниши унга мамлакатимиз ҳудудида сотиш ва тилиб-этиб амалиётида қўллаш тақиқланган, ҳомила туширишда қўлланадиган "Mesorit Kit" номли дори воситасини сотишда ёрдамлаша, мўмай даромад топиши мумкинлигини билдирди. Юлдуз бу тақлифга дарров рози бўлди.

Тубанлик ботқоғига ботган аёл бу иш қонунга хилофлиги, қолаверса, ҳам диний, ҳам инсонийлик тамойилларига зид эканини ўйлаб ҳам кўрмади.

Юлдуз Қосимова тез орада ижтимоий тармоқлар орқали топган харидорга 5 миллион 400 минг сўмлик ноқонуний дори воситасини сотади. Бундан нафси баттар ҳақалак отган Ю.Қосимова янгидан-янги мижозлар топиб, мўмай даромадга эга бўла бошлади.

Халқимизда "Кўза кунда эмас, кунда синида" деган ҳикматли нақл бор. Жирканчли усулда осон пул топаётган ҳамтовоқларнинг қилмиши ҳам шу тариқа яқун топди. Аниқроғи, улар навбатдаги мижозга мамлакатимиз ҳудудида ноқонуний равишда олиб кирилган 2 минг 800 дона дори воситасини 9 минг АҚШ долларига сотаётган пайтда ҳуқуқни муҳофаза қилувчи идора ходимлари тарафидан қўлга олинди.

Албатта, суд мажлисларида юқорида қилмиши баён этилган жиноятчиларга нисбатан қонуний жазо тайинланди. Лекин масаланинг бошқа жиҳатлари кишини ўйга толдиради. Гап шундаки, баён этилган жиноятлар тафсилоти уларни содир этган кимсаларнинг тубанлик йўлини танлаганини кўрсатади. Агар улар ҳаётга энгил-ели муносабатда бўлиб, осон пул топишни ўйлашмаганда эди, суднинг қора курсисига ўтирмаган бўларди. Бу эса, одоб-ахлоқ, тарбия, маънавият ҳаёт-мамот масаласи эканидан далолатдир. Шу боис уларга доимий эътибор қарати зарур.

Санжар ИБОДОВ,
жиноят ишлари бўйича Яққасарой тумани суди судьяси

Жиноят ва жазо

МЕҲРСИЗЛИК

у оғир жиноятларга сабаб бўлди

Мамлакатимизда ота-она қарамонидан маҳрум бўлган ва етим болаларнинг яшashi, таълим олиши ва келгусида ҳаётга ўз ўринларини топишига алоҳида эътибор қаратилиб, барча шарт-шароит ва имкониятлар яратилмоқда.



Мурод Давлатов (исм-шарифлар ўзгартирилган) ҳам Ташкент вилоятидаги 15-сонли "Меҳрибонлик" уйида ана шундай эътибор ва ғам-хўрликдан баҳраманд бўлиб вояга етди. Аммо у бунга ўзининг меҳрсизлиги билан жавоб қайтарди. Аниқроқ айтганда, мустақил ҳаётда у тўғри йўл қойиб, эгри йўлларга қадам босди.

Аниқроқ айтганда, у ҳалол меҳнатдан бўйин товлаб, саёқ юришни одат қилди. Бунинг оқибатида 2019 йил 2 январь кунини ҳамтовоғи В.Пакин ошхона пичоғи билан жароҳатланган М.Давлатов турли жойларда жазодан қочиб юрди. 2019 йил 15 августда таниши С.Паповнинг хонадонида спиртли ичимлик истеъмол қилшасди. С.Папов ухлаб қолган, Мурод нархи 250 минг сўмлик темир кесиб ва нархи 550 минг сўмлик девор тешиш ускунаси, 360 минг сўмлик иккита сув ҳисоблагичларни ўғирлаб кетади. Эртаси кун бу буюмларни сувтекинга сотиб юборади. Доимий яшаш жойи бўлмагани сабабли ички ишлар ходимлари томонидан қидирувга берилди.

Тўхташтишни сўрайди ва кутилмаганда, темир бўлағи билан Абдулла Кенжаевнинг бош қисмига устма-уст зарба беради. Кейин эса, оғир жароҳатланган А. Кенжаевнинг чўнтагидаги 325 минг сўм пулни ва "Samsung А3" русумли уяли телефонини тортиб олади-да, таҳдид билан қолган пулни қаерга яширганини сўрайди. Абдулла Кенжаев бошқа пули йўқ эканини айтади. Шундан сўнг жирканч ниятига етолмаган жиноятчи ўта шафқатсизлик билан унинг умрига зомин бўлади.

Кейин эса, М.Давлатов жиноят изларини йўқотиш мақсадида автомашинани келган йўли билан қатта кўчага ҳайдаб чиқиб, ҳайдовчининг жасадини чакалакзор ичига ташлайди. Шундан сўнг у автомашинани Ангрэн дарёси бўйига ҳайдаб келиб, унинг юқонаси ва ташқи томонидаги қон доғлари, бармоқ излари қолган жойларини ювади. Шундан сўнг босқинчилик йўли билан эгалланган автомашинани ўзи вақтинча яшаб келаётган кўча бошига ташлаб кетади.

Ўтган йил 5 январда у оғир жиноят содир этди. Эрта тонгдан спиртли ичимлик истеъмол қилган Мурод мўмайгина даромад топишни режалаштиради. Шу мақсадда темир бўлағи ва пичоқ билан қуролланиб, тунда автотураргоҳга келиб, "Кобальт" русумли автомашина ҳайдовчиси Абдулла Кенжаев билан Фарғона вилоятига боришга келишади. Ёши олтмишдан ўтиб қолган Абдулла Кенжаев Муродни набираси қатори кўриб, айтган манзилига элиб кўйишга рози бўлади. Бироқ у Муроднинг машъум режасидан бебахар эди.

Халқимизда "Ташкент — Фарғона" йўналиши бўйича ҳаракатланиб кетаётган Мурод Охангарон шаҳрида яшовчи танишларидан буюм олиши кераклигини айтиб, ҳайдовчини Ангрэн дарёси яқинидаги хилват жойга бошлаб боради. Шундан сўнг у машинани

қўли қонга ботган М.Давлатов ички ишлар ходимларидан яшириниш учун тураржойини доимий равишда ўзгартириб юради. Бир сафар ўз уйидан ижарага жой берган хонадон эгалари унинг ашаддий жиноятчи эканидан хабар топишганида Мурод уларга тегишли бўлган қимматбаҳо буюмлар ва уч миллион юз минг сўм нақд пулни ўғирлаб кетган эди.

Халқимизда "бузоқнинг юргани сомонхонагача" деган нақл бор. Охир-оқибат М.Давлатов ҳам қўлга тушди. Тергов ва судда унинг барча кирдиқорлари фож этилди. Суд унга нисбатан 19 йил муддатга озодликдан маҳрум қилиш жазоси тайинлади. Меҳр-муҳаббатдан мосуво бўлган кимсаннинг қилмишлари ана шундай яқун топди.

Дилшод ИЗЗАТОВ,
Тошкент вилояти суди судьяси

Қашқадарё вилояти суди жамоаси Шаҳрисабз туманлараро иқтисодий судининг судьяси
Рустам ҚУШОҚОВнинг вафоти муносабати билан марҳумнинг оила аъзоларига чуқур ҳамдардлик билдиради.

Куч — адолатда

МУАССИС:
Ўзбекистон Республикаси
Олий суди

Бош муҳаррир:
Шодикул ҲАМРОЕВ

Газета 2007 йил 23 февралда Ўзбекистон Матбуот ва ахборот агентлигида 0224-рақам билан рўйхатдан ўтган.

ISSN 2181-6183

ТАХРИР ХАЙЪАТИ:

Козимджан КАМИЛОВ	Бахтиёр ИСАКОВ
Робохон МАХМУДОВА	Холмўмин ЁДГОРОВ
Халилилов ТУРАХУЖАЕВ	Зарифжон МИРЗАКУЛОВ
Икрам МУСЛИМОВ	Замира ЭСОНОВА
	Бобомурод РАЙИМОВ

Навбатчи муҳаррир:

Сардор ҲАМРОЕВ

Саҳифаловчи:

Шерзод ХАЙРУЛЛАЕВ

Газета «Шарқ» нашриёт-матбаа акциядорлик компанияси босмахонасида офсет усулида босилди. Босмахона манзили: Тошкент шаҳри, Буюк Турон кўчаси, 41-уй.
Манзили: Тошкент шаҳри, А. Қодирий кўчаси, 1-уй
Тел.: (0 371) 241-01-56, 239-02-54
E-mail: kuch-adolatda@mail.ru

Нашр индекси: яққа тартибда - 574, ташкилотлар учун - 575.

Буюртма: Г-1015 Кўзгачи бичими: А-2. Ҳажми: 2 босма табоқ. Сотувда эркин нарҳда. Адади: 4539

1 2 3 4 5 6 Топшириш вақти: 22⁰⁰. Топшириш вақти: 23⁴⁵.